

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУНАЗАРОВ ЭЛБЕК ЭЛМУРОДОВИЧ**

**АНОР ТУПЛАРИНИ КЎМАДИГАН МАШИНА ИШ ОРГАНИНИНГ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Абдуназаров Элбек Элмуродович**

Анор туларини кўмадиган машина иш органининг параметрларини  
асослаш..... 3

**Абдуназаров Элбек Элмуродович**

Обоснование параметров рабочего органа машины для укрывки кустов  
граната..... 19

**Abdunazarov Elbek Elmurodovich**

Justification of the parameters of the working body of the machine for  
hiding pomegranate bushes..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУНАЗАРОВ ЭЛБЕК ЭЛМУРОДОВИЧ**

**АНОР ТУПЛАРИНИ КЎМАДИГАН МАШИНА ИШ ОРГАНИНИНГ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/T1351 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Имомкулов Қутбиддин Боқижонович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий ошпонентлар:**

**Астанақулов Комил Дуллиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдурахманов Абдукарим Атхамович**  
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «15» декабр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: [qabulxona@uzmei.uz](mailto:qabulxona@uzmei.uz).)

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (454 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04.)

Диссертация автореферати 2021 йил «26» ноябр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «26» ноябр даги 16 рақамли реєстр баённомаси).



**М.Т.Тошболтаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**А.А.Ибрагимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

**А.Тўхтақўзиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда анор етиштириш учун энергия-ресурстежамкор технологиялар ва замонавий техника воситаларини ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. “Дунё миқёсида анор 300 минг гектардан ортиқ майдонларда етиштирилишини ҳисобга олсак”, анор тупларини кам энергия ва ресурс сарфлаб талаблар даражасида кўмадиган машина ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида анор тупларини совуқ уриб кетишининг олдини олиш мақсадида улар кеч кузда хашак ёки тупроқ билан кўмилиб, баҳорда қайтадан очилади. Аммо махсус техника воситалари ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли бу ишлар механизациялашмаган ва ҳозирги кунга қадар қўл кучи билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат, иш вақти ва бошқа сарф-харажатларни кескин орттириб, катта майдонларда анор плантацияларини ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Шу жиҳатда анор тупларини кам шкастлаган ҳолда талаблар даражасида кўмадиган машина ва механизмларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда анор тупларини кўмишнинг ресурстежамкор технологиялари ва техника воситаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда анор тупларини кам шкастлаган ҳолда талаблар даражасида кўмадиган энергия-ресурстежамкор машина конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг иш органларининг анор туплари ва тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларида агротехника талаблари даражасида ишлашини таъминлайдиган параметрларини асослаш бўйича мақсадли илмий изланишларни олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланмоқда.

Республикада анор етиштириш ҳажми ва географиясини кўпайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги 25-сон<sup>1</sup> ва 2018 йил 4 октябрдаги 791-сон<sup>2</sup> қарорларида Республикада «Анор етиштирувчилар» уюшмасини ташкил этиш, қўшимча 24000 га майдонда анорзорлар барпо этиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилиш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан анор тупларини кўмадиган машинани ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сон «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 20 январдаги 25-сон «Сирдарё вилояти ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори.

<sup>2</sup> <https://www.lex.uz/docs/3930374>

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устивор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида анор асосан субтропик (экваториал) минтақаларда етиштирилади. Бу минтақаларда қиш бўлмаслиги ёки ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши сабабли анор тупларини кўмишга зарурат йўқ. Лекин МДХ давлатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам узум, анжир, анор, малина ва шунга ўхшаш бошқа ўсимликларни қишга кўмиш ишлари амалга оширилади. Ўсимликларни кўмиш машиналари ва уларнинг ишчи органларини яратиш, параметрларини асослаш ва иш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича хорижда М.Гасанов, А.Я.Гуцевич, В.М.Селезнев, Г.Г.Далабаян, Е.П.Гапонов, Л.Ф.Бабицкий, Р.А.Ким, Ф.И.Салеев, Г.Д.Паламарчук, Т.А.Воронцов, А.С.Борисов ҳамда бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда Б.Г.Волков, Ю.Я.Сычев, Ю.М.Иванов, В.А.Удачин, Т.Т.Ахмедов ва Э.И.Ирматовлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. Ўтган асрнинг 90-йилларида академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Боғдорчилик ва узумчилик машиналари бўйича махсус конструкторлик бюроси томонидан анор тупларини кўмадиган МУГ-1 русумли машина ишлаб чиқилган.

Бу тадқиқотлар асосида яратилган машина ва қурилмалар қўлланилиб, тармоқ ишлаб чиқаришида муайян ижобий натижаларга эришилган. Аммо бу тадқиқотларда анор тупларини кўмишда кам энергия сарфланган ҳолда юқори иш сифатини таъминлайдиган машинани яратиш ва унинг параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-КХ-2019-11 «Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарни ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари» (2019-2021) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** анор тупларини кўмадиган машина иш органининг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини

таъминлайдиган тури ва параметрларини асослаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

анор тупларининг архитектурони ва анорзорлар тупроғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш;

анор тупларини кўмадиган машинанинг турли вариантлардаги кўмувчи иш органларининг таққослов синовларини ўтказиш;

танланган иш органи ва машина осииш қурилмасининг параметрларини назарий ва экспериментал жиҳатлардан асослаш;

тавсия этилаётган тур ва параметрларга эга бўлган иш органлар билан жиҳозланган анор тупларини кўмадиган машинани ишлаб чиқиш ва синовларини ўтказиш;

тавсия этилаётган тур ва параметрларга эга бўлган корпуслар билан жиҳозланган анор тупларини кўмадиган машинанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида анор туплари архитектурони ва анорзор тупроғи, анор тупларини кўмадиган машинанинг иш органи ҳамда у бажарадиган технологик жараён олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** анор тупларини кўмадиган машина корпусининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик ифодалар, корпуснинг иш сифати ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, О'zDSt 3193:2017, О'zDSt 3355:2018, О'zDSt 3236:2017, РД Уз 63.03-98, ГОСТ Р 53056-2008) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

анор тупларини кўмадиган машина иш органининг конструкцияси анор тупларини белгиланган талаблар даражасида кўмилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва технологик иш жараёни асосланган;

машина корпусининг параметрлари анор тупларини кўмилиш ва шикастланиш даражалари белгиланган меърларга мос ҳамда машинанинг тортишга қаршилиги минимал бўлишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

машина таянч текислигидан осииш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа унинг корпуслари белгиланган чуқурликка ботиши, шу чуқурликда барқарор ишлаши ҳамда талаб этилган транспорт тирқиши таъминланишини ҳисобга олган ҳолда асосланган;

анор тупларини кўмадиган машина параметрлари (корпуслари орасидаги кўндаланг масофа, корпус билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа, корпус иш сиртининг баландлиги) ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг мақбул қийматлари уларнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини ифодаловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига мос ҳамда самарали техник ечим ва технологик иш жараёнига эга бўлган кўмувчи корпуслар билан жиҳозланган машина ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган корпус билан жиҳозланган анор тупларини кўмадиган машина бир ўтишда анор туплари ва шохларининг талаб даражасида сифатли кўмилишини таъминлаган. Натижада анор тупларини кўмишда меҳнат, вақт ва ёнилғи сарфи камайган, иш унуми ва сифати ортган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг самарали усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, анор тупларини кўмадиган машина корпусларининг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қоида ва усулларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган корпуслар билан жиҳозланган анор тупларини кўмадиган машина дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анор тупларини кўмадиган машина иш органининг кам энергия сарфлаган ҳолда агротехник талаблар даражасидаги иш сифатини таъминлайдиган параметрлари асосланганлиги ҳамда олинган математик ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш машиналарнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосланган тур ва параметрларга эга бўлган иш органлар билан жиҳозланган анор тупларини кўмадиган машина қўлланилганда ёнилғи, моддий ва меҳнат харажатларининг камайиши ва иш унумининг ошгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анор тупларини кўмадиган машина иш органининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

анор тупларини кўмишда уларни кам шикастлайдиган ва ресурстежамкор машинага Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган («Мевали буталарни кўмадиган машина», №FAP 01627. Натижада юқори қувватли ғилдиракли тракторлар билан агрегатланадиган анор тупларини кўмадиган машина конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

анор тупларини кўмадиган машинанинг тажриба нусхаси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тажриба участкаси ҳамда Сирдарё вилояти Гулистон тумани фермер хўжалигида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги 02/023-1637-сон маълумотномаси). Натижада машинани анор тупларини кўмишда қўллаш меҳнат сарфини 95,7 фоизга, эксплуатация харажатларни 25,3 фоизга камайтириш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган анор тупларини кўмадиган машинанинг sanoat нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун унинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (дастлабки талаблар ва техник топшириқлар) «ВМКВ-Агромаш»



АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15 апрелдаги 02/023-1637-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга бўлган анор тупларини кўмадиган машинани ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вазифанинг қўйилиши ва тадқиқот ишининг мақсади**» деб номланган биринчи бобида Республикада ва хорижда субтропик мевали кўчат тупларини кўмишда қўлланиладиган технология ва техника воситалари, корпуслар таҳлили ва улар бўйича ўтказилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган ва тадқиқот вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги кунгача анор тупларини кўмиш асосан қўл кучи билан амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни ортишига ва иш унумини камайишига олиб келмоқда ҳамда анор етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш ҳамда катта майдонларда анор плантацияларини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, анор туплари кеч куз ойларида кўмилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қиш эрта келган йиллари қўл кучи билан барча майдонлардаги анор тупларини тўлиқ кўмилишига эришилишмайди ва шу боис уларни совуқ уриб кетиш ҳоллари кузатилади. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида анор тупларини кўмадиган машина ишлаб чиқилди (1-расм).



1-уюмлагич; 2-трактор; 3-нов шаклидаги узатгич; 4-таянч ғилдирак; 5-туп ётқизгич; 6-корпус; 7-кўмилган анор туплари; 8-тупроқ


### **1-расм. Анор тупларини кўмадиган машинанинг технологик иш жараёни**

Анор тупларини кўмадиган машина тракторга ўрнатилган уюмлагич, нов шаклидаги узатгич, таянч ғилдираклар, туп ётқизгич ва корпуслардан ташкил топган. Иш жараёнида анор тупларининг шохлари уюмлагич томонидан уюмланади ва нов шаклидаги узатгич орқали ётқизгичга йўналтирилади; ётқизгич анор тупларини ер сатҳига босади ва корпуслар анор туплари устига тупроқни уюмлаб, уларни тупроқ билан кўмиб кетади.

Диссертациянинг «**Анор тупларини кўмишнинг технологик асослари**» деб номланган иккинчи бобида анор тупларини кўмадиган машина иш шароитини ўрганиш, анорзор тупроғининг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва кўмувчи иш органининг турини танлаш бўйича ўтказилган дастлабки тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Ўтказилган таққослов синовларининг натижалари бўйича мавжуд УОҮО-3 узум тупларини кўмадиган машина корпуси анор тупларини кўмиш учун нисбатан етарли шакл ва баландликдаги тупроқ уюмини шакллантирди. Шундан келиб чиқиб, кейинги тадқиқотлар УОҮО-3 узум тупларини кўмадиган машина корпуси параметрларини тупроқ уюми ўлчамлари, анор тупларини кўмилиш ва шикастланиш даражасига таъсирини ўрганиш ва шу асосда ушбу корпус параметрларини асослашга йўналтирилди.

Диссертациянинг «**Анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи иш органларининг параметрларини асослаш**» деб номланган учинчи бобида белгиланган технологик жараённи кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли бажарилишини таъминлаш учун анор тупларини кўмадиган машина иш органи параметрларини тадқиқ этишга доир назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.



2-расм. Анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи қисмининг асосий параметрлари

Қуйидагилар анор тупларини кўмадиган машинанинг асосий параметрлари ҳисобланади (2-расм): корпусларнинг қамраш кенглиги  $b$ ; корпусларнинг ишлов бериш чуқурлиги  $a$ ; корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа  $L_m$ ; корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\gamma_n$ ; корпус лемехининг тупроққа кириш бурчаги  $\alpha$ ; машина корпусининг таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа  $H_1$ ; корпус иш сиртининг баландлиги  $h_k$ ; корпус билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа  $l_e$ .


Корпуснинг қамраш кенглигини аниқлаш мақсадида анор тупларини кўмиш учун талаб этилган шакл ва баландликдаги тупроқ уюмини шакллантириш шартидан ушбу ифода олинди:

$$b \geq \sqrt{\frac{5(4h_n^2 \text{ctg} \varphi_m - \pi d^2)}{32}} + \Delta, \quad (1)$$

бунда  $h_n$  – анор тупларини кўмиш учун ҳосил қилинадиган тупроқ уюмининг баландлиги;  $\varphi_m$  – тупроқнинг табиий тўкилиш бурчаги, градус;  $\Delta$  – дала рельефининг нотекислиги ва машинанинг горизонтал текисликдаги тебранишларини ҳисобга оладиган ўлчам.

$d=28-38$  см,  $\Delta=3$  см,  $\varphi_m = 38^\circ-42^\circ$  ва  $h_n = 0,5-0,6$  м қабул қилиб, (1) ифода бўйича корпуснинг қамраш кенглиги камида 45 см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофани аниқлаш учун (3-расм) корпуслар томони-дан ағдарилган тупроқ улар ҳосил қилган эгатларга қайтадан тўкилмаслик шарти-дан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ифода олинди:




3-расм. Корпуслари орасидаги кўндаланг масофани аниқлашга доир схема

$$L_m = 2 \left[ h_n \text{ctg} \varphi_m + \sqrt{0,1(4h_n^2 \text{ctg} \varphi_m - \pi d^2) \text{ctg} \psi_e} + b \right], \quad (2)$$

бунда  $d$  – ётқизилган анор туплари кўндаланг кесимининг диаметри, м;  $\psi_e$  – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги, градус.

$d = 0,28-0,38$  м,  $h_n = 0,5-0,6$  м,  $\varphi_m = 45^\circ$  ва  $\psi_\varepsilon = 60^\circ$  бўлганда, (2) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа 2,16-2,46 м оралиғида бўлишини кўрсатди.



Корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини (4-расм) корпус томонидан қовлаб олинаётган палахсалар дала юзасига кўтарилмагунча ён томонга сурилмаслик шартидан аниқланди:

$$\gamma_n > 90^\circ - \varphi_1, \quad (3)$$

4-расм. Корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчагини аниқлашга доир схема

бунда  $\varphi_1$  – тупроқнинг лемех ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

$\varphi_1 = 30^\circ - 35^\circ$  қабул қилиниб, (3) ифода бўйича ҳисоблар кўмувчи корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $55^\circ$  дан катта бўлиши лозимлигини кўрсатди.


Корпус лемехининг тупроққа кириш бурчагини унинг тортишга қаршилиги минимал бўлиши шартидан келтириб чиқарилган ушбу ифода бўйича аниқланди:

$$\alpha = \arctg \left[ \operatorname{tg} \left[ \arcsin \left\{ \left( \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[ 2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \left[ 1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right]} \right) \right] : \left( 2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right) \right] \right] \cos \varphi_1, \quad (4)$$

бунда  $\varphi_2$  – тупроқни тупроққа ишқаланиш бурчаги, градус;  $\beta$  – лемехнинг увалаш бурчаги, градус.

$\varphi_1 = 30^\circ - 35^\circ$  ва  $\varphi_2 = 35^\circ - 45^\circ$  деб олсак, (4) ифода бўйича корпус лемехининг тупроққа кириш бурчаги  $20^\circ - 26^\circ$  келиб чиқади.

Маълумки, корпуслар белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши учун унинг шартли тортиш чизиғини горизонтга нисбатан оғиш бурчаги ( $\alpha_{ш}$ ) рухсат этилган қиймат ( $[\alpha] = 11^\circ$ ) дан ошмаслиги лозим (5-расм).




5-расм. Машина шартли тортиш чизиғининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги ( $\alpha_{ш}$ ) ни аниқлашга доир схема

Схемага асосан машина шартли тортиш чизиғини горизонтга нисбатан оғиш бурчагини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди:

$$\alpha_w = \arctg \left\{ \left[ H - \left( X_A (H_2 + H_1 - H - a) - Z_A \sqrt{l_0^2 - (H + a - H_1)^2} \right) \times \right. \right. \\ \times (H + a - H_1) : \left. \left( (H_2 - Z_A) \sqrt{l_0^2 - (H + a - H_1)^2} - X_A (H + a - H_1) \right) \right] : \\ : \left[ \left( X_A (H_2 + H_1 - H - a) - Z_A \sqrt{l_0^2 - (H + a - H_1)^2} \right) : \right. \\ \left. : \left( H_2 - Z_A - X_A \frac{H + a - H_1}{\sqrt{l_0^2 - (H + a - H_1)^2}} + \sqrt{l_0^2 - (H + a - H_1)^2} \right) \right] \right\}, \quad (5)$$

бунда  $H$  – трактор таянч юзасидан у осиш механизми пастки тортқиларининг олдинги шарнирлари  $C(C_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $H_2$  – кўмувчи машина осиш қурилмасининг пастки ва юқори тақиш нуқталари орасидаги тик масофа, м;  $X_A$  – трактор осиш механизмининг  $C(C_1)$  ва  $A_n$  шарнирлари орасидаги бўйлама масофа, м;  $Z_A$  – трактор осиш механизмининг  $C(C_1)$  ва  $A_n$  шарнирлари орасидаги тик масофа, м.

$Z_A=55$  см,  $X_A=16$  см,  $H_2=70$  см,  $l_0=100$  см ва  $a=35$  см бўлганла, б-расмда машина шартли тортиш чизиғининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги  $\alpha_w$  ни  $H_1$  масофагага боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилган. Ушбу графикдан кўриниб турибдики,  $H_1$  ошиши билан  $\alpha_w$  бурчак камаяди. Унинг рухсат (жоиз) этилган қийматини ( $[\alpha]=11^\circ$ ) таъминлаш учун  $H_1$  камида 746 мм бўлиши лозим.



б-расм.  $\alpha_w$  ни  $H_1$  га боғлиқлик графиги

Анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи иш органининг тортишга умумий қаршилиги унинг лемеҳи  $R_l$  ва ағдаргичининг  $R_a$  қаршиликларидан ташкил топган.

Шундан келиб чиққан ҳолда машинанинг тортишга умумий қаршилиги ушбу ифода бўйича аниқлаймиз.

$$R_{\kappa} = n \left[ \frac{a\tau_c (b + 0,5actg \psi_{\varepsilon}) \left[ \sin \frac{1}{2}(\alpha + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2}(\alpha - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha \right]}{\cos \frac{1}{2}(\alpha + \varphi_1 + \varphi_2)} + \right. \\ \left. + T_u t_n b \frac{1}{\sin \gamma_n} + \rho ab \frac{\sin(\alpha + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \left( cg \frac{\cos^2 \beta}{\sin \gamma_n} + 2V^2 \sin \alpha \sin \gamma_n \right) + \varepsilon abV^2 \right], \quad (6)$$

бунда  $n$  – корпуслар сони, дона;  $\rho$  – тупроқнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $g$  – эркин тушиш тезланиши, м/с<sup>2</sup>;  $c$  – лемех ишчи сиртининг кенглиги, м;  $\varepsilon$  – ағдаргич ишчи сиртининг шакли ва тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган коэффициент.

$n = 2$  дона,  $b = 0,45$  м,  $T_u = 1,1 \cdot 10^6$  Па,  $t_n = 0,001$  м,  $\gamma_n = 55^\circ - 60^\circ$ ,  $\tau_c = 27,5 \cdot 10^3$  Па,  $\beta = 30^\circ$ ,  $\varphi_1 = 30^\circ - 35^\circ$ ,  $\varphi_2 = 35^\circ - 45^\circ$ ,  $\rho = 1400$  кг/м<sup>3</sup>,  $a = 0,36$  м,  $c = 0,14$  м,  $f = 0,5$ ,  $\varepsilon = 1500 - 2000$  Нс<sup>2</sup>/м<sup>4</sup>,  $\alpha = 20^\circ$ ,  $\psi_{\varepsilon} = 60^\circ$  қабул қилиниб, (6) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар 1,38-1,94 м/с ҳаракат тезлигида анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи корпусларининг тортишга қаршилиги 19,59-25,16 кН ни ташкил этишини кўрсатди.


Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотлар дастури, экспериментал тадқиқотларни ўтказиш шароитлари ва усуллари ҳамда уларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш учун анор тупларини кўмадиган машинанинг конструкцияси ишлаб чиқилди ва лаборатория-дала қурилмаси тайёрланди.


Тажрибаларни ўтказишда лаборатория-дала қурилма New Holland T7060 тракторига агрегатланиб, 5,0 ва 7,0 км/соат ҳаракат тезликларида ўтказилди.

Машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофани ишлов бериш чуқурлиги ва унинг бир текислигига таъсири ўрганилди. Бу масофа 55 см дан 85 см гача ҳар 5 см ораликда ўзгартириб тажрибалар ўтказилди. Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа 55 см дан 75 см гача ошганда ишлов бериш чуқурлиги ортиб борган, унинг ўртача квадратик четланиши камайган, 75 см дан 85 см гача ошганда эса бу кўрсаткичлар деярли ўзгармай қолган (7-расм).

Машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофани 55 см дан 85 см гача ортиши унинг тортишга қаршилигини 5 ва 7 км/соат тезликларида тўғри чизикли қонуният бўйича ортишига олиб келган.



a)



б)

1.  $M_{yp}=f(H_1)$ ; 2.  $\pm\sigma=f(H_1)$

a)  $V=5$  км/соат; б)  $V=7$  км/соат

**7-расм. Машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа ( $H_1$ ) ни ишлов бериш чуқурлиги ( $M_{yp}$ ) ва унинг ўргача квадратик четланиши ( $\pm\sigma$ ) га таъсири**

Анор тупларини кўмадиган машина корпусларини белгиланган чуқурликка ботиши, шу чуқурликда барқарор ишлаши ҳамда талаб этилган транспорт тирқиши таъминланиши учун машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа 75-80 см оралиғида бўлиши лозим.

Корпуслар томонидан ҳосил қилинган тупроқ уюмининг кўндаланг профилини, улар орасидаги ташқи кўндаланг масофага боғлиқлиги ўрганиш бўйича тажрибаларда олинган натижалар 8-расмда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа 200 см бўлганда (8, а-расм) ҳосил қилинган тупроқ уюмининг баландлиги 50,6-54,4 см ни ташкил этди. Аммо, бу масофада тупроқ палахсаларини корпуслар орасига тикилиш ҳоллари кузатилди.

Корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа 215 см бўлганда тупроқ палахсаларини корпуслар орасидан эркин ўтиши таъминланди ва уларни корпуслар орасига тикилиши кузатилмади (8, б-расм). Бу масофа 230 см га тенг бўлганда ҳам бу кўрсаткичлар деярли ўзгармади (8, в-расм).


Корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа 245 см га тенг бўлганда эса ўнг ва чап корпуслар ағдараётган палахсалар бир-бирига етиб бормаслиги натижасида улар орасида эгат ҳосил бўлиши кузатилди (8, г-расм).

Демак, анор тупларини кўмадиган машинанинг агротехник кўрсаткичлари, унинг корпуслари орасидаги кўндаланг масофага боғлиқ бўлиб, технологик жараёни бузмасдан юқори иш сифатини таъминлаши учун бу масофа 215 см дан катта бўлиши лозим.


Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар қуйидагиларни кўрсатди:

- корпуслар билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа -20 см дан 10 см гача ортиши билан анор тупларининг кўмилиш даражаси 98 % дан 86 % гача камайиб борган. Бунда уларнинг шикастланиш даражасини 2,1 % дан 0,6 % га камайган. Буни корпуслар билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофани ортиши анор шохларини туп ётқизгич билан таъсирлашиш вақтини камайиши билан изохлаш мумкин;







а)



б)



в)



г)

а, б, в, г – корпуслар орасидаги кўндаланг масофа мос равишда 200, 215, 230 ва 245 см  
 - - - - агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5 км/соат; — агрегатнинг ҳаракат тезлиги 7 км/соат

**8-расм. Корпуслар ёрдамида ҳосил қилинган тупроқ уюмининг кўндаланг профиллари**

- анор тупларини кўмилиш ва машинанинг тортишга қаршилиги корпус иш сирти баландлиги 50 см дан 65 см гача ўзгарганда ҳаракат тезлиги 5 км/соат бўлганда мос равишда 92 % дан 99 % гача ва 19,5 кН дан 22,8 кН гача, 7 км/соат бўлганда эса 98 % дан 100 % гача ва 19,6 кН дан 23,3 кН гача ортган, чунки корпус иш сиртининг баландлиги ортиши билан ўзаро таъсирда бўлган тупроқ ҳажми ортади ҳамда у ишчи юза бўйлаб янада баландроқ кўтарилади;
- корпус иш сирти устидан ошиб тўкилаётган тупроқ миқдори иш сиртининг баландлиги ортиши билан камайиб борган: 5 км/соат тезликда 8,4 % дан 0,8 % гача, 7 км/соатда эса 9,6 % дан 1,3 % гача камайиб борган.

Анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи иш органи параметрларини унинг иш кўрсаткичларига биргаликдаги таъсирларини ўрганиш ҳамда назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш мақсадида  $B_4$  режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди.

Куйидаги жадвалда омиллар, уларнинг шартли белгиланиши ҳамда вариацияланиш оралиқлари келтирилган. Улар бўйича ўтказилган назарий тадқиқотлар ва бир омилли экспериментлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланди.

Кўп омилли экспериментларни ўтказишда баҳолаш мезони сифатида анор тупларини кўмиш даражаси ҳамда машинанинг тортишга қаршилиги олинди.

Тажриба натижаларига кўрсатилган тартибда ишлов берилиб, баҳолаш мезонларини адекват ифодаловчи куйидаги регрессия тенгламалари олинди:

**Омиллар, уларнинг шартли белгиланиши, вариацияланиш  
оралиғи ва сатҳи**

№	Омилларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Белги- ланиши	Ора- лиғи	Омилларнинг сатҳлари		
					-1	0	+1
1	Корпуслар орасидаги кўндаланг масофа	см	X <sub>1</sub>	15	200	215	230
2	Корпус билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа	см	X <sub>2</sub>	10	-10	0	10
3	Корпус иш сиртининг баландлиги	см	X <sub>3</sub>	5	55	60	65
4	Агрегатнинг ҳаракат тезлиги	км/соат	X <sub>4</sub>	2	3	5	7

- анор тупларини кўмилиш даражаси бўйича (%)

$$Y_1 = 95,952 - 2,823X_1 - 3,965X_2 + 3,683X_3 + 1,648X_4 - 9,315X_1^2 + 0,353X_1X_2 - 0,569X_1X_3 + 0,352X_1X_4 - 1,311X_2^2 - 1,172X_2X_3 - 1,436X_3^2 + 1,442X_3X_4 - 3,688X_4^2 \quad (7)$$

- машинанинг тортишга қаршилиги бўйича (кН)

$$Y_2 = 19,383 - 0,612X_1 - 1,053X_2 + 1,650X_3 + 3,085X_4 + 3,417X_1^2 - 0,412X_1X_2 - 0,243X_1X_3 + 0,411X_1X_4 + 0,750X_2^2 - 0,658X_2X_3 + 0,488X_2X_4 + 0,427X_3^2 + 0,657X_3X_4 - 0,155X_4^2 \quad (8)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган. Корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофани ортиши ҳосил қилинган тупрок уюмининг баландлигини олдин ортиб, сўнг камайишига олиб келган. Корпус билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа ортиши билан анор тупларининг шикастланиш ва кўмилиш даражалари ҳамда машинанинг тортишга қаршилиги камайиб борган.

(7) ва (8) регрессия тенгламалари «Y<sub>1</sub>» мезон 98 фоиздан кам бўлмаслиги, «Y<sub>2</sub>» мезон минимал қийматга эга бўлиш шартларидан ечилиб, 5,0-7,0 км/соат ҳаракат тезлиги учун анор тупларини кўмадиган машина иш органи куйидаги параметрларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди: L<sub>m</sub>=213,5-214,0 см, l<sub>ē</sub>=(-6,4)–(-3,9) см ва h<sub>κ</sub>=60,7-61,8 см.

Диссертациянинг «**Анор тупларини кўмадиган машина синовларининг натижалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган бешинчи бобда ўтказилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган анор тупларини кўмадиган машина тажриба нусхасининг хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовлар институтнинг тажриба хўжалигида ҳамда Сирдарё вилояти, Гулистон тумани фермер хўжаликлари анорзорларида ўтказилди.

Олинган натижалар бўйича анор тупларини кўмадиган машина корпусларининг ишлов бериш чуқурлиги ўртача 36,1 см ни ташкил этган. Бунда анор тупларини кўмилиш даражаси 99,1 %, анор тупларини шикастланиш даражаси 0,8 % ни ташкил этди.

Олинган натижалар ва уларнинг ҳисоблари шуни кўрсатадики, тавсия этилаётган параметрга эга бўлган анор тупларини кўмадиган машинани кўллаш меҳнат сарфини 95,7 % га, эксплуатация харажатларини эса

25,3 % га камайтириш имконини беради. Бунда битта машинага йиллик иқтисодий самара 25367808,8 сўм ташкил этади.

## ХУЛОСА

«Анор тупларини кўмадиган машина иш органининг параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Субтропик мевали кўчат тупларини кўмишда қўлланиладиган технология ва техника воситалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили асосида анор тупларини кўмадиган машинанинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш, унинг параметрларини асослаш анор тупларини кўмишда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорликни камайтириш имконини беради.

2. Ўтказилган таққослов синовларининг натижаларига кўра анор тупларини кўмадиган машинага кўмувчи иш органи сифатида УОҮО-3 корпуси тавсия этилади. Бу корпус бошқа кўмувчи иш органларига нисбатан юқори иш кўрсаткичларини таъминлайди.

3. Анор тупларини кўмадиган машина кўмувчи корпусининг қамраш кенглиги камида 45 см, корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофани 2,16-2,46 м бўлиши машина корпуслари томонидан ағдарилган тупроқни улар ҳосил қилган эгатларга қайтадан тўкилмаслигини ҳамда талаб этилган тупроқ уюминини таъминлайди.

4. Корпус лемехининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 55° дан катта ва тупроққа кириш бурчаги 20°-26° оралиғида бўлиши корпус томонидан қовлаб олинаётган палахсалар дала юзасига кўтарилмагунча ён томонга сурилмаслигини ҳамда тортишга қаршилиги кам бўлишини таъминлайди.

5. Машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа камида 74,6 см бўлиши кўмувчи корпусларнинг белгиланган ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатланиш имконини беради.

6. 5-7 км/соат ҳаракат тезликларида машина таянч текислигидан осиш қурилмасининг пастки тақиш нуқтасигача бўлган тик масофа 75-80 см, корпуслар орасидаги ташқи кўндаланг масофа камида 215 см, корпус билан туп ётқизгич орасидаги бўйлама масофа 0-10 см ва корпус иш сиртининг баландлиги камида 60 см бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда анор тупларини талаб даражасида сифатли кўмиш имконини беради.

7. Ўтказилган тадқиқотлар асосида асосланган параметрларга эга бўлган анор тупларини кўмадиган машина қўлланилганда меҳнат сарфини 95,7 % га ва 1 гектар майдонга сарфланадиган эксплуатация харажатларини 25,3 % га камайтириш ва бунинг эвазига битта машинадан йилига 25367808,8 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**  

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**АБДУНАЗАРОВ ЭЛБЕК ЭЛМУРОДОВИЧ**

**ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧЕГО ОРГАНА МАШИНЫ  
ДЛЯ УКРЫВКИ КУСТОВ ГРАНАТА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Гульбахор – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/T1351.

Докторская диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: [www.uzmei.uz](http://www.uzmei.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Имомкулов Кутбиддин Бокижонович**  
доктор технических наук, с.н.с.

**Официальные оппоненты:**

**Астанакулов Комил Дуллиевич**  
доктор технических наук, профессор

**Абдурахманов Абдукарим Атхамович**  
кандидат технических наук, с.н.с.

**Ведущая организация:**

**Центр по сертификации и испытаний  
сельскохозяйственной техники и  
технологий**

Защита диссертации состоится «15» декабря 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства. (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 454). (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04.)

Автореферат диссертации разослан «26» ноября 2021 года.  
(Протокол рассылки № 16 от «26» ноября 2021 года).



*[Handwritten signature]*

**М.Т. Тошболтаев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

*[Handwritten signature]*  
**А.А. Ибрагимов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

*[Handwritten signature]*  
**А. Тухтакузиев**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведущее место занимает разработка энерго-ресурсосберегающих технологий и современных технических средств для возделывания гранат. «Если учесть, что по всему миру гранат возделывается на площади более 300 тыс. гектаров», то важной задачи считается разработка машин для укрытия кустов гранат на уровне требований при минимальных затратах энергии и ресурсов. В условиях Узбекистана для исключения обморожения поздней осенью кусты гранат укрывают с сеном или почвой, а весной снова открывают. Однако из-за отсутствия производства специального технического средства эти работы не механизированы и по-прежнему выполняются вручную. Это в свою очередь, резко увеличивает трудовые затраты, рабочее время и другие затраты, препятствует созданию плантаций граната на больших площадях. В этом аспекте большое значение уделяется на разработку машин и механизмов для укрытия на уровне требований при минимальных повреждениях кустов гранат.

В мире ведутся целевые научно-исследовательские работы, направленные на создание ресурсосберегающих технологий укрытия кустов гранат и новых образцов технических средств. В этом направлении важное значение имеет проведение целенаправленных научных исследований по разработке конструкции машин для укрытия на уровне требований при минимальных повреждениях кустов гранат, обоснованию параметров обеспечивающей работы рабочих органов в соответствии с агротехническими требованиями с учетом взаимодействия их с почвой и кустов гранат является актуальным.

В Республике большое внимание уделяется увеличению объема и географии возделывания гранат. В частности, постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан №25<sup>1</sup> от 20 января 2017 г. и №791<sup>2</sup> от 4 октября 2018 г. предусмотрено создание Ассоциации производителей граната в республике, создание дополнительных гранатовых садов на 24000 га площадях, увеличение производства, предусматривается поэтапное осуществление переработки и экспорта. Реализация этих задач, в том числе разработка машины для укрытия кустов гранат, является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4410 от 31 июля 2019 года «О мерах по ускоренному развитию сельскохозяйственного машиностроения, государственной поддержке обеспечения аграрного сектора сельскохозяйственной техникой», ПП-4575 от 28 января 2020 года «О мерах

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 20 январидаги 25-сон «Сирдарё вилояти хуудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори.

<sup>2</sup> <https://www.lex.uz/docs/3930374>

по реализации в 2020 году задач, определенных в стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», ПП-4709 от 11 мая 2020 года «О дополнительных мерах по специализации регионов Республики на производстве сельскохозяйственной продукции», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

